

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» кафедраси

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУСОБОД ДАХАСИ 11-КВАРТАЛ
ТУРАР-ЖОЙ МИКРОРАЙОНИ ХУДУДИНИ
ОБОДОНЛАШТИРИШ (ЛАНШАФТИ) ЛОЙИХАСИ**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

ТУРДИЕВА КАМОЛА

**Илмий раҳбар:
Исамухамедова Д.У.**

Тошкент-2013

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги

1. МИКРОРАЙОННИ ХОЗИРГИ ХОЛАТИ ТАСНИФИ

- Районни шаҳарда жойлашган жойи
- Микрарайонни районда жойлашган жойи
- Транспорт тармоги тузилишининг ҳозирги ҳолати (микрорайон чегарасида)
- Микрарайонни ҳозирги функционал қисимланган тузилиши
- Микрарайондаги мовжуд турар-жой ва бошқа қурилмалар
- Микрарайонни ҳозирдаги ободонлаштирилган ҳолати

2. ЛОЙИХАВИЙ ТАКЛИФЛАР

- Функционал қисимлар тузилиши (қолади)
 - Мовжуд турар-жой бинолари (қолади)
 - Микрарайондаги транспорт хизмати ва пиёдалар ҳаракати (узгаради)
 - Ободонлаштириш ва қукаламзорлаштириш:
 - Болалар майдончаларининг функционал тузилиши,
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб Хукуматимиз томонидан архитектура ва шаҳарсозлик соҳасига асосий эътибор берилиб, шаҳарсозлик соҳаси фаолиятида бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Мақкамасининг ушбу соҳа юзасидан қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони қамда ушбу фармон ижроси юзасидан Вазирлар Мақкамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги, "Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" ги, "Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари қабул қилинган бўлиб унинг ижросини таъминлаш борасида Давлат ҳокимияти органларига аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш, бош режага, батафсил режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя қилиниши, ҳудудларда ер ажратилишида қонун талабларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билаи келишиш, навбатчи бош режанинг юритилиши ва жойларда "Архитектура ва шаҳарсозлик Кенгаш"ларнинг иш фаолиятлари тизими яратилди.

Харакатда бўлган "Архитектура тўғрисидаги қонун" ни қайта ишлаб чиқиш зарурати туғилиб, қайта ишлаб чиқилди ва шаҳарсозлик соҳаси

фаолиятини ривожлантиришда 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси тасдиқланди ва амалга киритилди. Ўтган 2002-2009 йилларда қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар бўй берди. Шаҳарсозлик фаолиятини янада такомиллаштириш йулида

Шаҳарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий қужжатлар қабул қилиниб Давлат ҳокимияти органлари ва Қўмита олдига бир қанча вазифалар қуйилди

Бугунги кунда юқорида қайд этилган, шаҳарсозлик фаолиятида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини Республикамизнинг барча ҳудудларида қад кўтарган гўзал биноларда, саноат корхоналарида, таълим муассасаларида, спорт иншоотларида, янги қурилган, қайта реконструкция қилинган кенг ва равон автомобил йўлларида, кўприкларда, темир йўлларида ва бошқа кўплаб иншоотларда кўришимиз мумкин. Булар шаҳар ва қишлоқлар ҳуснига-ҳусн қўшиб аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Замонавий тушунчаларга қура маълумки, архитектура деганда инсоният жамияти ва унинг ҳар бир аъзоси учун зарур бўлган қулай ва шинам муҳит яратишга қаратилган ижодий ва амалий фаолият тушунилади. Бундан қарийиб икки минг йил муқаддам яшаган румлик архитектура назарийчиси Марк Витрувий Поллион архитектор яратадиган ушбу муҳитнинг фойдали, мустаҳкам ва айлани пайтда, гўзал бўлишлиги ҳақида гапирган. Демак меъморчиликка ҳос ўзвий сифатлар - бу фойдалилик мустаҳкамлик ва гўзалликдир. Ёки замонавий тил билан бошқачароқ айтсак меъморий фаолият', архитектура инсон фаолиятининг энг муҳим ўҳта жиҳатларини: фан, техника, иқтисодий ва эргономик талабларни, эстетика ва санъатни ўзида мужассамлантирмоғи зарур.

Архитекторлар яратадиган ҳаётий муҳитлар сифатига қараб турлича бўлиши мумкин. Ёнг аввало бу ташки атроф муҳит-дан бутунлай ёки қисман ажратилган ва сунъий яратилган меъморий қурилмадир. Бундай муҳит турли бинолар ва иншоотлар қуринишида шакллантирилган бўлади. Улар асосан ер сахнида шакллантирилсада, бироқ улар сафида ер ости, сув ости ва бошқа турли-туман қурилмалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай бино ва иншоотлар одат-да ички ва ташки деворлар, ёпмалар билан чегараланган бекик муҳитни ёки ярим очик ярим ёпик муҳитни ташкил

килувчи курилмалардан тузилган архитектура объектларидир.

Архитекторлар яратадиган мухитнинг яна бир кенг соҳаси ҳам мавжудки, улар ички ва ташки курилмалар билан чекланмайдиган очик фазовий мухитдир. Буларга кўчалар, майдонлар, гулзорлар, хиёбонлар, сохиллар, микрорайонлар ичидаги боғлар, скверлар, булварлар, махсус парклар, истирохат бог-саройлари, миллий боғлар, хиёбонлар, муъжаз боғлар ва тарихий ландшафтлар киради. Сунъий тарзда яратиладиган бундай очик масканлар руйхатини яна ҳам давом эттириш мумкин. Ландшафт архитектурасининг асосий мақсади ана шундай очик масканлар мухитини табиий ва сунъий элементлар, шу жумладан муъжаз меъморий шакллар, ташки ободанлаштириш ва информацион-ахборот курилмалари воситасида композицион бадиийликни шакллантиришдир.

Архитектура ва ландшафт архитектураси узаро узвий алоқада булиб, бир-биридан мухитни шакллантиришда кулланиладиган воситалари билангина фарк қилади. Ҳар иккала соҳа ҳам кишилиқ жамиятининг ривожланиш тарихида умумий бир йуналиш ва мақсадлар учун хизмат қилган. Ландшафт архитектураси ва дизайни ҳам архитектура каби барча тарихий-ижтимоий босқичларда жамият эҳтиёжларини қондириб келган ва уз даврнинг бадиий маданий умуминсоний ютуқларини узида мужассамлаштирган.

Ландшафт архитектураси, унинг муҳим тармоғи ҳисобланган бог-истирохатчилик санъатининг Ўзига хос ёрқин хусусияти - бу уларни намоён қилишда кулланиладиган табиий «қурилиш материаллари»дир. Булар сафига энг аввало усимликлар дунёси, сув дунёси, ер, тошлар ва умуман жой рельефининг барча хусусиятлари киради. Айнан шу материаллар очик фазовий мухитни шакллантиришда асосий манба ҳисобланади. Анъанавий қурилиш материаллари очик мухитни шакллантиришда муҳим бўлсада, бироқ ёрдамчи рол уйнайди. Ландшафт меъмори гуё тирик табиат билан ишлаётгандек бўлади, асосан шу табиат элементларидан фойдаланиб инсон эҳтиёжи учун мухит яратади. Бунда у

табiiй элементлар ва атроф мухитга иложи борица кам таъсир курсатишга ҳаракат қилади. Бошқа томондан эса у бутунлай янги «сунъий табиат» яратиб, уни инсон мақсадлари ва бадиий эҳтиёжларига мослаштиради. Ушбу йуналиш ландшафт архитектураси тарихий тараққиётининг бутун давомида турли қуриниш ва боғланишларда намоён бўлиб келди ва келмоқда.

Ландшафт архитектураси хусусиятидан, агар биз уни анъанавий меъморий амалиёт билан таққосласак ҳал қилувчи нарсани унинг эстетик ролида ва, таъбир жоиз бўлса, инсонпарварликнинг ибтидосида қурамыз. Мухитни шакллантирувчи функционал ва айниқса, техник томонлар, улар қанча муҳим бўлсада, ландшафт архитектурасида ёрдамчи уриниш эгаллайди. Айнан ушбу ҳолат ландшафт архитектураси алоҳида санъат тури, хусусан боғ-паркчилик санъатининг бир қуриниши тарзидага тушунча мазмунида кенг тарқалишига сабаб бўлган. Истироҳат боғлари бунед этган меъморлар ижоди ҳамиша алоҳида, шоирона хусусиятга эга бўлиб, уз даврининг маънавий ва бадиий-эстетик гоёларини узвий уйғунлаштирган.

Айни пайтда ландшафт архитектураси доирасини факатгина боғ-паркчилик билан чегаралаб қуйиш ҳам ноуриндир. Ландшафт архитектори фаолиятининг муҳим соҳаси - бу шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида очик майдонларни ташкил қилишдир. Яқин қунларгача бу иш мавжуд бино ва иншоотлар атрофида микросфералар яратиш эҳтиёжидан келиб чиқадиган меъморий ижоднинг қушимча вазифаси саналарди. Бу қаби юмушлар одатда ободонлаштириш ва қуқаламзорлаштириш деб номланиб келинди ва келинмоқда. Шу билан бирга таъқидлаш лозимки, утмишда шаҳарларнинг очик жамоа майдонлари ва мухитини яратишда таникли архитекторлардан ташқари шаҳарсозлар ва боғбонлар ҳам қатнашганлар.

Ландшафт архитектураси асрлар давомида боғ-истироҳатчилик санъатининг шаҳарсозлик санъатига уйғунлашиб кетишувида, қуца ва йуллар утқазиш, майдонлар ташкил қилиш ва уларга композициялар бериш асосида шаклланган. Ҳамма даврлар шаҳарлари очик мухитли

майдонларининг шаклланишида ёнма-ён икки режавий йуналиш: мунтазам (хандасавий тартиб-ли) ва табиий (эркин тартибли) манзаравий композицион режалар кулланиб келинган. Бу икки йуналиш доимо бири-бирини тулдириб, бойитиб келгап. Хар каидай мунтазам режали композиция хам тирик табиат кучогига уйгунлаш-тирилган. Ва аксинча, хар канака, хатто энг эркин манзаравий режа хам хандасавий туфи чизикди элсментларсиз амалга оширилмаган.

Сунгга юз йилликда жaxon ландшафт архитекторлари фаолият доираси тез суръатлар билан кенгайиб борди. Бу сохага эндиликда кенг ва катта майдонлар кириб, ландшафт архитектураси меъморий ижодиётнинг учинчи бир мухим сохасини - худудий режалаштиришни камраб олди. Бундай режалашти-ришнинг узига хос хусусияти шундаки, унда баландлик улчовлари худул масштабига нисбатан ута ахамиятсиз булган кенг майдонларда хажмий хаётий мухитни ташкил килишдир. Купгина ривожланган мамлакатларда худудий режалаштириш меъморчиликнинг алохида тармок тарзида тан олинган. Натижада учта мустакил меъморий касб юзага келган - архитектор, ландшафт архитектори ва дизайнери, режаловчи архитектор (планировщик). Бу касблар Бирлашган миллатлар ташкилотининг халкаро мехнат булими томонидан эътироф этилган. Бироқ бу касблар орасида мустахам чегара йук. Шундай булсада хар уччала касбнинг хам Ўзига хос томонлари аник. Бу уларнинг хар бири шугулланадиган хажмий фазовий мухит хусусиятларидан келиб чикади.

Ландшафт архитектураси мероси хакикатдан бой ва чегарасиз. Чунки хар бир давр ёки мамлакат инсоннинг атроф мухит билан узвий богликлигини узида ифода этувчи канчадан-канча ландшафт меъморчилигининг гўзал асарлари билан бойитиб ва тараккий эттириб келган. Инсон нафакат табиий мухитдан, балки узи яратган очик сунъий мухитдан хам фойдаланиб келди, зеро шахарлар шароитида ландшафт архитектураси сунъий яратилган кўчалар, майдонлар, бог ва сув хавзалари, парклар ва хиёбонларда уз аксини топди. Бу богланиш алохида, узига хос

хусусиятга эгаки, у ҳам булса ландшафт архитектураси объектларининг узлуксиз тинмай узгариб туришидадир. Очик мухитнинг шакли-шамойили эса хар бир соатда, минутда узгариб туради.

Кукаламзорлар мавсумий узгариб турса, сув хавзалари доим харакатда, одамлар, хайвонлар, экипажлар эса келади, кетади. Дарахт ва буталар, гуллар усиб буй бастаи ва шаклу-шамойилини янгилайди. Бу янгиланиш инсон урган-ган ландшафтда узига хос табиат театрини вужудга келтиради, дилга хушнудлик кунгилга ором багишлайди.

Инсон ҳаёти кенг маънода архитектура ва табиатни ўз ичига камраб олган атроф-мухитда ўтади. Уларнинг ўзаро уйғунлиги инсон фаолиятининг зарурий шартидир. Қулай ва гўзал шаҳарлар, архитектуравий ансамбллар, саноат ва турар-жой мажмуалари, қишлоқ хўжалик қурилмалари, табиий ландшафт инсон учун қулай бўлган атроф-мухит ҳисобланади. Инсонга ўзи яратган мухитнинг таъсири кўп қирралидир. У ҳаётнинг моддий томонларинигина эмас, балки маънавий томонини ҳам ўз ичига олади. Соф ҳаво, архитектуранинг мақсадга мувофиқлиги ва кўркемлиги, турар-жой биносининг қулайлиги - буларнинг ҳаммаси инсонга ижобий таъсир кўрсатади ва аксинча, кўримсиз турар-жой мавзелари, кўкаламзорларнинг йўқлиги, ҳаво ва дарёларнинг ифлосланиши унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Одамлар табиат билан асрлар оша олишиб келмоқдалар. Тупроқ, тош ва ёғочлардан уй-жой қуриш, экинзорлар барпо этиш, ер остидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш - буларнинг барчаси табиат бойликларидан фойдаланиш бўлиб, шу билан бирга табиатни барбод қилиш ҳамдир.

Ҳозирги техника инқилоби асрида тескари масала, яъни табиатни сақлаш, қайта тиклаш ва соғломлаштириш инсон учун ҳаётий заруриятдир. Шаҳар ва табиат, инсон ва табиат бу архитектор учун бир маънодаги тушунчалардир. Улар архитектордан ўз фаолиятига фалсафий ёндошишни талаб этади, чунки архитектор инсон ва табиат ўртасидаги бирликни ўрнатишдаги етакчи шахсдир. Ўзбекистонда шаҳарларни лойиҳалаш турар-

жой бинолари ва саноат корхоналарини санитария-гигиена оралиқларини таъминлаган, қулай транспорт алоқаларини ташкил қилган ҳолда ўзаро энг мақсадга мувофиқ жойлаштириш тамойилига асосланади. Бунда шаҳар ва шаҳар атрофида боғлар ташкил қилиш, ўрмонларни кенгайтириш, сув ҳавзаларини ташкил қилиш ва ҳоказолар орқали табиатни одамга яқинлаштириш кўзда тутилади.

Ижтимоий-иқтисодий масала шаҳар ва қишлоқ ривожланишининг келажагини, табиий ва ҳудудий ресурслардан иқтисодий самарали фойдаланишни, аҳолининг ўсишини, аҳолига оптимал маданий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил қилишни ҳисобга олган ҳолда аҳоли жойлашуви тизимини танлашда ҳал қилинади.

Санитария-гигиеник масалалар аҳоли ҳаёти учун соғлом шароит яратиш, саноат ва аҳоли яшаш туманлари орасида санитария-ҳимоя қисмини белгилаш, кўкаламзорлаштириш, тупроқнинг, ҳавонинг ва сувнинг (сув ҳавзаларининг) ифлосланишига ва шовқинга қарши курашни назарда тутди. Иссиқ иқлимли туманларда ташқи муҳитнинг оптимал микроиқлимини яратиш, қуёшдан сақловчи қурилмаларни ўрнатиш, биноларни зарурий йўналишда жойлаштириш, инсоляция, ҳудудларни қуриштириш ёки ободонлаштириш ҳамда фойдали шамол йўналишидан фойдаланиш масалалари ҳал этилади.

Техникавий қурилиш масалалари аҳоли яшаш жойлари қурилиши учун танланган ҳудудларнинг муҳандисона-геологик шароитларини ўрганиш, қурилиш техникасининг даражаси ва замонавий воситаларини аниқлаш, транспорт ва пиёдалар алоқаларининг рационал тизимини ҳал этиш, ҳудудларни муҳандисона тайёрлаш ва муҳандисона ободонлаштириш (ичимлик суви етказиш, оқава сувлар ўтказгич, иссиқ сув, совуқ сув, газ ва электр таъминоти ва бошқалар) ва ҳоказоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Архитектуравий-бадий масалалар шаҳарнинг умумий архитектура-режавий тузилишини, кўча ва шох кўчалар тармоқларини аниқлаш, шаҳар

алоҳида қисмларининг функционал тузилишини ҳал қилиш, шу жумладан, марказ композициясини ечиш билан боғлиқдир. Бу масалалар маҳаллий табиий иқлим хусусиятларини (рельеф, ландшафт, сув ҳавзалари, кўкаламзорлар ва бошқалар) миллий турмуш анъаналарини, халқнинг тарихий ва маданий ёдгорликларини инобатга олган ҳолда ҳал қилинади. Бу масаларни ҳал қилишга уларни биргаликда қараш шаҳарсозликнинг асосий шартларидан ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг экология ва ижтимоий кенгаши ўзининг бир қарорида шаҳарларнинг ривожланиши муаммосини ер юзида тинчликни сақлашдан кейинги инсоният олдида турган энг муҳим муаммо деб атади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари борасида Ўзбекистонда олимлари ва шаҳарсоз-лойиҳачилари бирга анчагина ишлар бажарилган. «Ўзбекистон ҳудудида Регионал аҳоли жойлашуви тузилмаси», «Ўзбекистон туманни режалаштириш комплекс тузилмаси», «Тошкент агломерацияси туманни режалаштириш комплекс тузилмаси», 2005 йилда “ТошкентбошпланЛИТИ” томонидан лойиҳаланган “Тошкент вилояти туман режалаштириш схемаси 2020 йилгача” ва бошқа вилоятлар туманни режалаштириш тузилмалари томонидан кўпчилик маъмурий туманларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилган.

Тошкентнинг ривожланишини тартибга солишнинг асосий концепцияси сифатида Тошкент аҳоли жойлари гуруҳини режали бошқариладиган аҳоли жойлашуви тизимига айлантириш қабул қилинган. Аҳоли жойлашуви тизимининг демографик сиғими - 6 млн. киши аниқланган. Табиат муҳофазаси ва ландшафтларни қайта тиклаш бўйича қатор тадбирлар кўзда тутилган.

АРХИТЕКТУРАВЙЙ ЛАНДШАФТ ҚИСМ

Рахбар: Исамухамедова Д.У.

Битирувчи: Турдиева К

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ КИЧИК ТУМАНЛАР ТАСНИФИ

№	Район	Аҳоли (2009)[16]	Майдон(км ²)[16]	Зичлиги (чел/км ²)[16]	Карта
1	Бектемур тумани	27,500	20.5	1,341	
2	Чилонзор тумани	217,000	30.0	7,233	
3	Хамза тумани	204,800	33.7	6,077	
4	Миробод тумани	122,700	17.1	7,175	
5	Мирзо Улуғбек тумани	245,200	31.9	7,687	
6	Сергели тумани	149,000	56.0	2,661	
7	Шайхонтохур тумани	285,800	27.2	10,507	
8	Олмалик тумани	305,400	34.5	8,852	
9	Уч тепа тумани	237,000	28.2	8,404	
10	Яккасарой тумани	115,200	14.6	7,890	
11	Юнус обод тумани	296,700	41.1	7,219	

МИКРОРАЙОННИ ХОЗИРГИ ХОЛАТИ ТАСНИФИ

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани. Янги йўл ва Аҳмад Дониш



кўчалари кесишган чораҳанинг бурчак кисмида жойлашган турар жой туманини ландшафтини ташкил этиш.

Ушбу турар жой туманини болалар майдончалари ва кўкаламзорлаштириш худуди ёмон аҳволда.

Афтомобиль саклаш жойлари худудтаги бўш жойларда пала парчиш жойлаштирилган, сув хавозалири атрофини каровсиз аҳволда қолиб кетган,..рельефи оддий.. Болалар майдончалари ёмон аҳволда, лойиҳа таклиф болалар майданчасини таъмирлаш, куп каватли бинолар олдини ландшафтини ташкил қилиш, ер ости гаражи, ер усти афтомобиль саклаш жойларини янги лойиҳа таклифи берилди.

Мақтаб ва боғча атрофини яхлитлаштирилган мақтаб билан стадион орасида кўча мавжуд эди лойиха пайтида кўча олиниб ташланиб мақтаб билан стадион территорияси бирлаштирилди болаларни стадионга кириши учун боғча ва мақтаб орасида алея лойиха таклифи берилди, 5 каватли бино талабга жавоб бермайдиган аҳволда бўлганлиги учун ва кичик туманда афтомобил саклаш жойлари пала парчиш жойлашганлиги хатто мақтаб чегарасида афтомобил саклаш жойлари қилингани учун биз ер ости ва ер усти афтомобил саклаш жойини лойиха таклифини бердик.

Мега планет супермаркети ён қисмида катта коровсиз ётган жойга ер ости афтомобил саклаш жойини лойиха таклифи берилди берилди.



ЛАНДШАФТ КИСМИ

Умумий кўкаламзорлик

$$18\text{м}^2 \text{ 1 кишига } 4500 \cdot 18 = 81000\text{м}^2 = 63000 \text{ м}^2$$

Турли табиат шароитлари ҳисобига олинган шаҳар аҳоли пунктларининг ҳар бир турларидаги қурилиш элементлари бўйича умумий фойдаланиш кўкаламзорлари нормасини ҳисоблаш ва таксимлашда қўйдаги жадвалда маълумотларидан фойдаланиш лозим.

Шаҳар аҳоли пунктлари турлари	Нисбий майдони, м ² /киши, кўчатзорларни яратишнинг турли шароитларида		
	Қулай текислик ва тўғалдик ваҳолари	Чекланган кулай(чол сахро воҳалари қўриқ ерлари)	Нокулай(чол сахролар)
Ўта йирик, йўриқ ва катта	17-19	13-15	
Ўрта	14-16	11-13	8-10
Кичик	11-13	8-10	4-6

Тошкент шаҳрида кўкаламзорлар тизими лойихалаштиришда Тошкентшаҳри ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларидан фойдаланиш лозим.

Кичик туманимиздаги кўп қаватли ўйлар олдидаги қоровсиз яшил зоналарга биз алоҳида эътибор қаратдик. У ерда турли дам олиш зоналари ва жуда ҳам чиройли ва майин гуллардан фойдаландик. Қўйдаги расмда ландшафт манзарасини тасвирлаганмиз.

Настарин гули, баҳор фаслининг энг гузал гулларида бири, лола гули бу ерда beach гули баҳор фаслини эслатадиган гуллар, ҳидларнинг майинлиги билан бошқа гуллардан ажралиб турадиган гуллардан фойдаландик.



Бу расмда ўзгача услубдан фойдаланилган ландшафт композициясидан ташкил топган гузал манзарани кўриб турибмиз.

Кейинги лавҳамизда кичик ландшафт композициясидан ташкил топган гузал композицияси, бунда биз тош, .



Болалар майдончасига ҳозирги талабга тўлақонли жавоб берадиган,



болажонлар ўйнаётганда оналар кўзатиб ўтириши учун қулайлик ҳам яратилди.



Ҳар болалар майдончасида биз яшил ҳудудни чиройли ва қулай

килиб яратишга ҳаракат қилдиқ. Асосан биз газондан, изгород, карагай дарахтларидан фойдаландик. Газон чангни ютиб микроклиматни 30-40 смгача тозалаб туради, изгород эса 45-1000смгача, карагай дарахти ундан юкари бўлган масофадаги микроклиматни тозалаб болажонларимиз ўйнаётган пайтида тоза ҳаво.

Кичик туман боғи кишига $4\text{м}^2=4500*51000\text{м}^2 = 1.8\text{г}$ кўйдаги жадвалда кўрсатилган:

Умумий фойдаланиш кўкаламзор турлари	Кўкаламзорлар нисбий майдони, $\text{м}^2/\text{киши}$, турли ландшафт қисми шароитларида жойлашган турли катталиқдаги шаҳарлар учун ($16\text{ м}^2/\text{киши}$ турар жой билн таъминлаш нормасида)							
	Ўрта йирик, йирик ва катта		ўрта			кичик		
	Текисли к ва тоғ олди воҳалар и	Чўл сахро воҳалар и, қуриқ ерлар	Текисли к ва тоғ олди воҳалар и	Чўл сахро воҳалари, қуриқ ерлар	Чўл сахролар	Текислик ва тоғ олди воҳалари	Чўл сахро воҳалар и, қуриқ ерлар	Чўл сахро лар
Шаҳар парклари	4	3	5	4	3-4	6	5	2-3
Туман парклари	4	3	-	-	-	-	-	-
Хиёбон ва сайёҳлар	2	2-3	2	1-2	1 гача	2-3	1-2	1 гача
Жами	10	8-9	7	5-6	4-5	8-9	6-7	3-4
Тура жой туманидаги боғлар	4-5	3	4-5	3-4	2-3	-	-	-
Мавзелардаги умумий фойдаланиш	3-4	2-3	3-4	2-3	2	3-4	2-3	1-2
Жами	7-9	5-6	7-9	5-7	4-5	3-4	2-3	1-2
Ҳаммаси бўлиб	17-19	13-15	14-16	11-13	8-10	11-13	8-10	4-6

Ландшафтнинг алоҳида шароитларидаги нормалари тавсиялари
билан аниклаш мумкин

Ландшафт шароитлари	Йўл юзасида кўйиладиган кулай шароитларини аниклаш тури
Шаҳар аҳоли пункти ҳудудида қурилишга яроксиз ва кўкаламзорлаштиришни талаб этувчи катта майдонли участкалар мавжудлиги	Нокулай кўкаламзорлаштирувчи ҳудудларнинг бу участкаларига интилган аҳолининг дам олиши ташкил этувчи мақсадида ҳақиқий майдони оширилиши мумкин (шаҳар аҳоли пункти учун ўртача етишиш яқинлигида)
Шаҳар аҳоли пунктлари ҳудудида чомилиш ва сув спорти учун ярокли катта ҳавзалари мавжудлиги, уй олдилари ташландик, мактаб зоналарига пала парчиш афтомобил сақлаш жойларини мавжудлиги.	Ҳавзалар майдонни шаҳар аҳоли пункти ҳудудлари балансида алоҳида ҳисобга олиниши керак. Умумий фодаланиш кўкаламзорлари майдони 1-2 м ² /кишигача ошириш мумкин. Пляжлар, қайиқ станциялари ва шунга ўхшашларини ташкил этиш учун
Шаҳар аҳоли қурилиши ичида умумий кўкаламзорлаштириш нормасини оширувчи майдон катта кўкаламзорлаштириладиган санитария ҳимоя зоналари ва махсум мақсадли ва чекланган, кўкаламзорларнинг мавжудлиги	Махсус мақсадли ва чекланган фойдаланиш кўкаламзорларнинг тахминан икки марта ортиқ майдони аҳолининг дам олиш шarti билан қўлланиши 20%гача камайитириш мумкин.
Ўрта мураккаб топографик шароитлар (ўрта кесишган рельеф)	Тик ён боғирлар ер тўлдириш ёки ўзалар барпо этиш зарурлигида майдонни 10-20% гача ошириш мумкин: таянч деворлари барпо этилганда майдон 10-20% га қисқаради.

Бугунги кунда экологияни яхшилаш масаласи муҳим муоммо касб этмокда. Бу муоммони ечиш учун табиий иклим шароитини, яъни шамол йўналиши ва рельеф турларини ҳисобга олиш, шу билан бирга табиий ресурсларга бўлган муносабатимизни яхшилаш лозим бўлади. Шундан келиб чиқиб йўллар билан аҳолини яшайдиган жойларни хавосини ифлонишидан бир мунча яхшилаш мумкин. Турар жой биноларини шовкиндан саклаш масаласи актуал муоммо бўлиб колмокда. Яшаш муҳитида яхши экологик ҳолатни ҳосил килиш учун куриладиган турар жой бино турларини кўриб чиқиш лозим.

Кичик тумани кукаламзорлаштириш экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши ва қуйдагиларни назарда тутиш лозим:

- биологик мустаҳкамликни ва мавжуд ҳамда лойиҳаланаётган кўкаламзорларнинг эстетик гузаликни тўлақонлилигини таъминлаш;
- атроф муҳит аэроцияси учун нормал шароит яратиш, шовкинни , чангни камайтиришни таъминлаш, ҳудуд инсоляциясининг оптимал режимини сақлаши;

Ландшафт архитектураси бу нафақат ноқулай инсоляцион, табиий иклим , шамол ва шовқин шароитларидан ҳимоя қилиш, балки турар жой ҳудудининг эстетик ва бадий жиҳатдан шакллантирувчи элемент ҳамдир.

Лойиҳаланаётган кичик туманимизда биз санитария гигиена меъёрларига мослик даражасини кўриб чиқиб. Қуйидаги схемаларни ишлаб чикдик:

- бутун ҳудудни кўкаламзорлаштириш ўз ичига олган умумий ҳолда фойдаланиладиган кўкаламзорларни кичик туманинг меъёрий режавий композициясининг асосий элементларини ҳисобга олган ҳолда функционал зоналарга бўлиш схемаси.
- чегаралаб фойдаланишга мўлжалланган кўкаламзорлаштирилган ҳудудларнинг схемаси.

- химоя қилувчи кўкаламзорлар (йўл ва магистраллар чекасидаги яшил ҳудудла) .

Лойиҳалаётган кичик туманимизнинг кўкаламзорлаштириш ишлари учун биз шу туманда яшаётган аҳолига ҳизмат кўрсатишнинг поғонали тизимига асосланган ҳолда ва микрорайонда максимал қўлайлик яратиш мақсадида қўйидаги зоналарга ажратилгади:

- мактабгача тарбия муассалари (боғча);
- мактаблар зонаси;
- маданий маиший ҳизмат зонаси;
- хўжалик зонаси;

Яшил ҳудудларни бино ва иншоотларга яқинлаштириш қўйдаги жадвалга кўра қабул қилиниши лозим:

№	Иншоотлар номи	Минимал оралиқ масофа	
		Дарахтлар танасидан	буталаргача
1	2 қаватдан баланд бино ташқи деворидан	5	1.5
2	2 қаватдан кам бино	4	1
3	Автомобиль йўллари чеккасидан	1	0.5
4	Бир қаватли уйлар ва 2 м ҳамда ундан ортиқ баландликдаги деворлардан	2	1
5	Ёритгич тармоғи устунидан	2	-
6	Ариқ чеккасидан	5	3.5
7	Боғ ва квартал ичкарасидаги йўллар ва пиёдалар йўлакчасидан	0.75	0.4

Бир каторга экилган дарахт ва буталар орасидаги максимал меъёрий масофани қуйидаги жадвал асосида қабул қилиниши лозим:

№	Ўсимликлар характеристикаси	Дарахтлар ва буталар оралиғидаги масофа, м
1	Ёрулиғни хуш кўрувчи дарахтлар нави.	4-5
2	Сояга чидамли дарахтлар нави	2.5-3
3	1 м гача баландликдаги буталар	0.3-0.4
4	2 м гача баландликдаги буталар	0.4-0.6
5	2 м дан баланд буталар	0.5-1

Ўсимликлар турларини танлашда уларнинг ҳимоя хусусиятларига (санитария-гигиеник), йилнинг турли фаслларида декоратив сифатларига ва биологик ўзига хослигига, шунингдек маҳаллий тупроқ ва иқлим шароитларига, биноларнинг ориентациясига эътиборини қаратиш керак.

Турар-жойлар ҳудудини пиёдалар ва автомобиллар ҳаракати таъсиридан ҳимоя қилиш учун дарахт ва буталарнинг зич ўсадиган турларини танлаш лозим.

Тик (вертикал) кўкаламзорлаштириш усулини қўллаш орқали микроиқлимнинг яхшилаш, фасадлар сержилолигини таъминлаш ва яшил маконларни ташкил этишга эришиш мумкин.

Худудни функционал зоналарга бўлиш.

Худудни ландшафт ташкил этишдаги биринчи қадам уни функционал ҳудудларга тўғри тақомилаштиришдан иборат бўлади. Микрорайон ҳудудининг функционал тузилиши ҳар бири ўз вазифасини бажарувчи қисмлардан ташкил топади.

Бу қуйидаги ҳудудлар:

1. Микрорайон боғи.
2. Турар жой гуруҳи ҳовлиси.
3. Болалар муассасалари ва мактаблар ҳудуди.
4. Хўжалик ҳудуди.
5. Спорт майдончалари.
6. Йўл четидаги кўкаламзор ҳудудлар.

Аниқ ҳудуднинг табиий-иқлимий хусусиятлари – бу энг муҳим омиллардан ҳисобланади ва лойиҳаланаётган объектнинг меъморий-режавий ечимига кучли таъсир этади. Ўзбекистон қуруқ, иссиқ ёз фасли билан, сув сатҳларининг чекланганлиги билан характерлиди. Бу ҳолат лойиҳаларда ўз аксини топади.

Кучли шамоллар, ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши, ер қатламининг шўрҳокланиши, текис рельеф – буларнинг барчаси меъморий-режавий ечимларда ҳамда ҳудудни ландшафт ташкил этиш масалаларида аҳамият касб этувчи муҳим омиллардир.

Ҳарорат режими лойиҳалаштирилаётган ҳудудни ландшафт композицион ечимини топишда кучли таъсирга эга. Шу сабабдан ҳудудни юқори ҳароратнинг ноқулай таъсирдан ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

Микроиқлимни ўсимликларни яхши соя берувчи турларини танлаш ва ҳудудни ободонлаштириш орқали яхшилаш таклиф этилади. Асосий эътиборни шамол режимига қаратиш ҳам муҳимдир. “Шамол гули” ёрдамида йил давомида шамолнинг энг кўп эсадиган йўналиши аниқланади. Шунингдек, аэрацияга ҳам аҳамият бериш керак бўлади.

Дарахт ва буталарнинг зич экилиши аэрациянинг, яъни ҳаво айланишининг бузилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ўсимликларни баландлиги бўйича турли-туман қилиб жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Дарахтлар, буталар, гулзорлар ва газонларни жой-жойда ишлата билиш, зарур йўлакчалар ва қопламли майдончаларни экин экилган

худудлар билан яхлит бир ечимда лойиҳалаштириш орқали ҳаво оқимининг вертикал ҳаракатига ёрдам беради.

Инсоляция. Иссиқлик режими нафақат атроф муҳитнинг ҳароратига боғлиқ, балки инсоляцияга, яъни қуёш нурларига бевосита тушиб туришига ҳам боғлиқ бўлади. Қўкаламзорлаштиришда худуднинг қуёшнинг “тиғи”га дучор бўлишидан ҳам, ҳаддан зиёд салқин бўлиб қолишидан ҳам асраш лозимдир (расм).

Қўчаларни қўкаламзорлаштириш уларнинг ўрни ва атрофидаги қурилаётган худуднинг умумий характерига мос ҳолда ташкил этилади.

Қўкаламзорлар йўл ва қўчаларни безаш, худудга соя салқинлик бериб, микроиқлимни яхшилаш учун хизмат қилади. Шаҳарнинг эстетик жихатидангўзал бўлишида ҳам яхши ташкил этилган қўкаламзорлаштириш тизимининг ўрни беқиёс.

Қўкаламзорлаштириш ва ранглар билан қўчаларни безаш тизими қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади:

- қўкаламзорлаштиришў объектларини ўзаро боғлиқлиги;
- қўкаламзорлаштирилаётган худудлар тархида (очиқ, ярим очиқ ва ёпиқ маконлар);
- дарахт-бута ва ўтсимон ўсимликларнинг турлари.

Қўчаларни қўкаламзорлаштириш элементларти газонлар, гулхоналар, дарахт ва буталар бўлиши мумкин.

Улар йўл ўртасида, йўл билан тротуар оралиғида чорраҳалар яқинидаги бекат ёнида, жамоат биноларига қираверишда, уйлар яқинидаги бекат ёнида, жамоат биноларига кеираверишда, уйлар яқинидаги худудларда жойлашиши мумкин.

Экинлар нафақат қулай муҳит яратиши, балки аҳоли яшаш худудларининг эстетик жихатдан яхши безалишини ҳам таъминлаши зарур. Дарахт ва буталар бино ва иншоотларнинг меъморийансамблларининг олдини тўсиб қўймаслиги лозим.

Кўчаларнинг кўкаламзорлаштириш тизими қизил чизик ортидаги кўкаламзор ҳудудлар билан композицион боғлиқликда бўлиши шарт.

Кўчаларни кўкаламзорлаштиришда экинларнинг барча турларидан ва турли жамланмалар ҳамда фойдаланиш мумкин.

Экинлар турларини танлашда кўкаламзорлаштираётган ҳудуднинг маҳаллий хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, табиий-иқлимий, санитария-гигиеник, декоратив ҳолатларни, экинларнинг катта-кичиклиги ва шаклини ҳисобга олиш зарур.

МЕҲНАТ ҲАВФСИЗЛИГИ

Малакавий битирув иши: доц. Исамухамедова Д.У.

Битирувчи: **Турдиева К**

Режа:

1. Меҳнат ҳавфсизлигининг мақсади ва вазифаси
2. Қурилишда меҳнат санитария ва гигиена
3. Қурилишда меҳнат ҳавфсизлиги
4. Ёнғин ҳавфсизлиги

1. Мехнат хавфсизлигининг мақсади ва вазифаси

Мехнат хавфсизлигининг замонавий кўринишидаги мақсади ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат жараёнида соғлиғини сақлаш, яъни касбий касалликлар, тасодифий жароҳатланиш каби бахтсиз ходисаларни олдини олиш орқали қурилишда самарадорликни оширишдир.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси кенгаши 8 Декабр 1992 йил XIII чақириқ X сессиясида тасдиқланган янги Бош қомусида Ўзбекистон фуқороларига, ўзлрига маъқул ва жамиятга фойдали бўлган меҳнат билан шуғулланиши, ҳунар ўрганиш, илм олиш, ижод қилиш, дам олиш, соғлиқни муҳофаза қилиш, даволаниш ва бошқа ҳуқуқлар кафолатлангандир.

Турар-жой биноларини лойиҳалаш, қуриш ва уладан фойдаланишда меҳнат муҳофазаси тартиб қоидаларига риоя қилиш шарт. Меҳнат хавфсизлигининг асосий вазифаси қурилишда хавфсиз иш шароитини яратиб бериш ва меҳнат жараёнида бахтсиз ходисаларни келиб чиқиш сабабларига қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш орқали соғлом иш шароитини яратишдан иборат.

2. Қурилишда меҳнат санитария ва гигиена

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани Янги йўл, Аҳмад Дониш, Амир Темур ва Аҳилобод кўчалари кесишган қисмида жойлашган турар жой туманини ландшафтини ташкил этиш ва ундан фойдаланишда меҳнат хавфсизлигини тامينланиш учун қуйидаги тадбирларни бажарилиши кўзда тутилган.

Инсон саломатлигига салбий таъсирини олдини олиш учун дастлаб ҳудудни иқлим кўрсаткичларини ҳисобга олиш лозим. Қурилишда ишчиларнинг меҳнат фаолиятини яхшилаш учун керакли шарт-шароитлар яратилиши ва ҳар бир ишчи тиббий кўрикдан ўтган бўлиши керак. Улар чанг ишларни бажарайтган вақтида оғиз ва бурнидан респираторлар, кўзларини захарланишини олдини олиш учун ҳимоя кўзойнақларини

такишлари, қўлларига махсус қўлқоплар кийишлари керак.

Ишчилар учун ечиниб кийинадиган, гигиена хонаси ва ювиниш хоналари ташкил этилиш керак. Сан гигиенага жавоб берадиган овқатланиш жойларини яратиш лозим. Қурилишда тунги ишлар ташкил этилганда қурилиш майдони етарли суний ёруғлик билан таъминланиши зарур. Булардан ташқари тиббий ёрдам ёрдам кўрсатиш бўйича бурчаги, омборхоналар, мухандислик хонаси, майдонга кириш ва ундан чиқиш йўллари, ҳовуз ва ёнғинга қарши хавзислик бурчаги кўтарма кран ва унинг йўл атрофини чегараловчи тўсиқлар, хавфли муҳит чегарасини билдирувчи панжаравий тўсиқ, қурилиш ашёлари саналадиган очиқ ва ёпиқ омборлар санитария қурилиш меъёрлари талабига риоя қилинган ҳолда таъминланган. Бош тархнининг асосий масалаларидан яна бири бинонинг шимол йўналиши бўйича жойлаштиришдир.

3. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги

Меҳнатни муҳофаза қилишда зарур бўлган тадбир-чоралар лойиҳалаш даврида икки босқичда ҳал этилади. 1 босқич лойиҳалаш даврида қурилишни ташкил (ҚТҚ) лойиҳасини тузиш, яъни қуришидаги ялпи ишлар кетма-кетлигини ва умумий хавфсизликни таъминловчи тадбирлардан иборат бўлса, 2 босқич қурилиш чоғида сурункали давом этадиган ишларни бажариш жараёнида хавфсизликни таъминлайдиган ишни бажариш (ИБЛ) лойиҳасини тузишдан иборатдир.

Меҳнат хавфсизлиги дастлаб лойиҳани тузувчи ташкилот томонидан қурилишни ташкил қилиш лойиҳасида, бош қудратчи ташкил қилиш лойиҳаларда кўриладиган жаъми масалалар учта, яъни умуммайдон хавфсизлиги тартибот жараёнидаги хавфсизлик ва махсус масалалардан. Умуммайдон масалалари қурилиш бош режасида кўрилиб, майдонни танлаш, текислаш, сатҳини белгилаш ва давр билан тўсиш, одамлар ва машина-механизмлар учун кириш ва чиқиш йўлларини белгилаш ишчилар ва раҳбар мухандислар учун зарур бўлган барча ёрдамчи ишшоотлар, яъни

ечиниб кийинадиган, овқатланадиган ва ювинадиган хоналари санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда жойлаштирилади, вақтинчалик фойдаланиш учун электр тармоғи, иссиқ ва совуқ сув, ҳамда овқат сув узаткич, тармоқлари, алоқа ва радио тармоқлари каби иншоотларни аниқ ҳисоблаб ҳисоблар асосида тўғри жойлаштиришни ўз ичига олади.

Қурилиш жараёнини ифодаловчи 2 – масала тартибот ва меҳнат жараёни хариталарида ўз ечимини топади, унда ишчининг саломатлигини ҳимоя қилиш борасида аниқ ҳисобларга асосланган ва маҳаллий иш шароитларини инобатга олган муҳандислик мулоҳазалари ўзини ягона ва аниқ ечимини топган бўлиши лозим.

3 – махсус масалалар туркумини ҳал этишдан иборат бўлиб, маҳаллий ер, иқлим ва атроф-муҳит учун хавф-хатар манбаларини бартараф қилишга қаратилган бўлади. Яъни қурилиш майдонидаги ер ости ва ер устидаги электр, телефон, радио ва сув тармоқларини маҳаллий ҳокимият билан келишилган ҳолда кўчириш назарда тутилади.

Қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари муҳокама қилишда бош қудрат ва ёрдачи ташкилот мутахассислари, яъни бош механик, технолог, энергетик, меҳнатни режалаш ва маош бўлимлари ходимлари, меҳнат хавфсизлиги бўйича катта мутахассислар ва бошқалар иштирок этади.

Қурилишнинг бош тархи қурилишни ташкил қилиш лойиҳалари ичида энг асосийси ҳисобланади. Бу лойиҳасиз қурилиш майдонида иш юритиш қатъиян ман этилади.

Ишларни режали ва хавф-хатарсиз олиб борилиши, бош тархдаги хавфсизлик тадбирлари қай даражада ҳал қилинганлигига ва шу билан бирга маҳаллий муҳит ва иқлим шароитлари қанчалик тўлиқ ҳисобга олинганлигига бевосита боғлиқдир. Қурилиш бош тарихида меҳнат муҳофазасининг техникавий ва ташкилий мажмуасида ҳал қилинади.

4. Ёнѓин хавфсизлиги

Янги йўл, Ахмад Дониш, Амир Темур ва Ахилобод кўчалари кесишган кисмида жойлашган турар жой туманини ландшафтини ташкил этиш лойихасида ёнѓин хавфсизлиги талабларига риоя.

Малакавий битирув ишида таклиф этилган ер ости ва ер усти гаражи бино лойихасида қаватдан чиқувчилар сони ва зинапоя бўлимлари ёнѓин хавфи бўйича биноларни классификациясини ҳисобга олган ҳолда ШНК мувофиқ лойихалаштирилган. Бинодан чиқиш учун икки тарафлама чиқиш йўли таъминланган. Кўп ва қаватли биноларда эса зинадан ташқари ҳар бир йўлакда зина ва II тадан лифт лойихалаштирилган. Зиналар орасидаги масофа қуйидаги жадвалга асосан аниқланади.

Бунга биноан 1 даражали ўтга чидамли биноларда ётоқхона эшигидан кириш эшигигача бўлган масофа оралиѓи 40 метр боши берк йўлакдан 25 метр бўлиши белгилаб қўйилган. Битирув ишида зиналар оралиѓи 21 метрни ташкил этади.

Зинапоялар (маршлар) ни эни 1,20 метр ва йўлаклари 1,20 метр қилиб лойихаланган. Зина тўсиқлари баланд паст жойларда 1,2 м дан кам бўлмаслиги шарт. Хона ичидаги ташқари йўлакка чиқиш йўлаклари эни 1,2 м дан кам бўлмаслиги керак. Зина бўлмалари ҳажмда, тутунланмайдиган лифт шахтаси конструукцияси ёнмайдиган материалдан, ўтга чидалилик чегараси нормаланмаган пассажир лифт жойлаштиришга йўл қўйилади.

Секция майдони 500 м² гача бўлган секция типидagi турар-жой биноарда секция қаватидан эвакуация чиқишни Л1 типидagi битта оддий зина бўлмаслиги кўзда тутишга йўл қўйилади. Бунда 15 м дан юқорида жойлашган ҳар бир квартирада балкон ёки лоджияга чиқган деразалар ораси камида 1,6 м ёки балкон четидаги деарзага камида 1,2 м ли ёпиқ девори бўлган балкон ёки очик лоджияга эҳтиёт эвакуатция чиқув кўзда тутилади. Қаватда тўрт квартирадан ортиқ секциялар учун ва ундан ортиқ хонали квартирада эни 1,2 м дан балкон ёки лоджияга чиқадиган деразалар

ораси 1,6 м дан кам бўлмаган холда ёпик деворли балкон ёки лоджияга лойихалаш керак. Бино атрофидаги отмаска (йўлаклар) дан одамлар устига ойна синиқлари тушишидан сақлаш мақсадида, ўтиш йўлларига тўсиқлар ўрнатиш режалаштирилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимов Х.А. Қурилишда меҳнат хавфсизлиги. 1 бўлим. Тошкент 2003 й.
2. Ю.Н. Коваленко, В.П. Шивенко, И.Д. Михайленко. Краткий справочник
Архитектура. Киев 1990 г.
3. ШНК 2.01.02-04
4. КМК 03.01.02 00 “Қурилишда техника хавфсизлиги”

Инженер-Мухандислик тармоқлари

Малакавий битирув иши: доц. Исамухаммедова Д. У.

Маслахатчи: доц. Холмирзаев К.М.

Битирувчи: **Турдиева К**

Газ таъминоти

Шаҳар газ таъминоти тизимларининг схемаси газ ўтказиш кувурларинг классификацияси.

Газ кувурлари, ундаги босим ва газ кувурининг қўлланилишига бўлинади: қўлланиш бўйича:

А) магистрал газ кувурлари:

В) шаҳар газ кувури:

Г) саноат газ кувурлари:

Магистрал газ кувурлари ўта юкори босимда ишлаб ($5.5 + \text{НПа}$) газ конида шаҳарларга газ етказиб беради.

Шаҳар газ кувурлари қўйдагиларга бўлинади

- 1) Газ таркатиш кувурлари
- 2) Истеъмолчиларга тармок газ кувурлари
- 3) Уй ичи газ кувурлари.

Таксимлаш газ кувурлари газни турар жой биноларига , саноат вакумунал корхоналарга етказиб беради Ўтказилиши бўйича эса халка симон боши берк шаклида бўлади. Абоненттармоклари газни таксимлаш газ кувуридан истеъмолчиларга еткази. Уй ичи газ кувурлари эса газни турар жой биноси ичида таркатиб, газ асбобларига етказиб беради.

Шаҳар газ тизимларининг турлари. Шаҳар газ тизимининг қисми газ кувурлари ташкил қилади. Уларда босимнинг турларига қараб шаҳар газ тизимлари қўйдагиларга бўлинади:

- а) бир боскичли тизимлар;
- б) икки боскичли;
- с) уч ва қўп боскичли тизимлар;

Тизимларнинг танлашда шаҳарни сатҳи, умумий истемол қилинадиган газ миқдори , газ манбасининг тури. Газлаштиришнинг олдинма кейин бўлиши ва иқтисодиёт масалалари инобатга олиниши керак.

Бир боскичли газлаштириш тизимлари. Бир боскичли газ таъксимлаш схемаси. 1 магистрал газ кувури; 2 ГРС, № ҳалкасимон паст босим газ кувурлари, 4 истемолчиларга тармок, 5 босим берк газ кувурлари. Бунда фақат паст босимда газ кувурлари қўлланилади. Бундай тизим фақат ишчи посёлкаларда кичик кишлокларда ишлатилиши мумкин. Бунда фақат паст босимда газ кувурлари ўтказилади. Шунинг учун буни бир боскичли дейилади. У фақат турар жой бинолари ва майда корхоналарни таъминлайди. Бундай тизимларда фақат паст босим бўлгани учун катта диаметрдаги кувурлар қўйишига тўғри келди. Бу иктисодий мафаатсиз.

2 Икки боскичли газлаштириш тизимлари. Икки боскичла газ таксимлаш схемаси. 1 магистрал газ кувури, 2 ГРС, 3 йирик газ истеъмолчилари, 4 паст босим газ кувурларини таъминловчи ГРПлар, 5 юкори ва ўрта босим газ кувурлари: 6 ҳалкасимон паст босим газ кувурлари.

Бундай тизимлар кичик ва ўрта шаҳарларда қўлланилиб, ўрта ва паст босим газ кувурлари ишлатилади. Ўрта босимдан саноат корхоналар ва паст босим газ тармоклари ГРП оркали таъминланади. Босимни ошириш газлаштириш тизимида қичикроқ диаметридаги кувурлар ишлатиш имконини беради. Бу маблағларни тежашга олиб боради. Лекин босимни ошириб бориш тизимни ишлатишда катта талаблар қўяди.

Паст босим газ кувурларига турар жой бинолари ва майда маиший хизмат корхоналари уланади. Бундай тизим бир боскичли тизимга нисбатан тежамлидир ва бундай тизимни ўтказиш қобилияти катта, паст босимдаги газ кувурларида бир хил босимни таъминлашга ёрдам беради. Шу билан бир каторда, бундай тизимларга хавфсизлик томонидан юкорирок талаблар қўйилади.

3) Уч ва кўп боскичли газлаштириш тизимлари уч боскичли газ таксимлаш схемаси 3 юкори босим газ кувури 1 магистрал газ кувури, 4 саноатсаноат корхоналари 5 юкори босим ГРПси 6 ўрта босим газ кувури 7 паст босим 8 паст босим кувурлари 9 ўрта босимга уланган йирик

истемолчилар 10 ўрта босим.

Ўрта босим газ қувурлари эса саноат қомунал маиший қорхоналари, қозонхоналар, ҳамда ГРПлар ёрдамида паст босим қувурларини газ билан таъминлайди. Паст босим газ қувурлари эса асосан турар жой биноларини ва соатлик газ сарф 50 м³ соатдан ошмаган қичик маиший қомунал ва умумий овқатланиш муассасалари газ билан таъминлайди.

Боғча- 4 №= 3600

Мактаб-1 №=1800

Спорт қомплекс -1

Маҳалла маркази-1

Турар жой-5800

Газ таъминоти

$$1) Q_{tm} = N \frac{Z_1 m + Z_2 n_2 + Z_3 n_3}{Q_n \cdot p} = 5800 \text{-----} =$$

$$5800 \text{-----} =$$

$$5800 \text{-----} =$$

2) Столовая-(мактабда)

3)Боғча

Сув таъминоти.

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани Янги йўл, Аҳмад Дониш, Амир Темур ва Аҳилобод кўчаларичегарасида жойлашган. Ушбу микрорайон юқори даражали шароитли кўп қаватли биноларда курсатилган. Тошкент шаҳрининг бу микрорайонини сув таъминоти тизими аҳолининг хужалик-ичимлик суви эҳтиёжини кондирити керак. Шу жумладан, офислар, банклар, мактаб, боғчалар савдо-маиший комплекслар, овқатланиш объектлари, маданий-томоша объектлари, фитнес марказлар ҳам. Аҳолининг сувдан фойдаланиш ҳисобини қилиш учун "Ички сув қувури ва бинолар оқава сувқувурлари" прил.3 КМК. 2.04.01-98. меъёрлари қабул қилинган. Микрорайон кўп қаватли (7-9-12-20 қават), шунингдек 2 қаватли объектлардан ташкил топганини ҳисобга олган ҳолда икки тизимдаги сув қувурлари лойиҳалаштирилган: паст босимли ва юқори босимли.

кувурлари" прил.3 КМК. 2.04.01-98. меъёрлари қабул қилинган. Микрорайон куп қаватли (7-9-12-20 қават), шунингдек 2 қаватли объектлардан ташкил топганини ҳисобга олган ҳолда икки тизимдаги сув қувурлари лойиҳалаштирилган: паст босимли ва юқори босимли.

Лойиҳа таклифлари. Лойиҳада Янги йўлқучасидан то Аҳмад Дониш Фурқат кучасигача булган қисмда В-600 чуян қувурлврни қайта жойлаштириш кузда тутилган. Лойиҳавий пулат сув утказгичларни умумий узунлигини 940 п-м ташкил этади. Сув таъминоти тизими айланма ҳаракатда. Лойиҳадаги сув қувурлври тизими ҳисоблар асосида курсатилган. Сув қувурлари диометрининг минимал курсаткичи (ёнгинга қарши қувурлар билан қушилганда) 150 мм дан кам бўлмаслиги "Сув таъминоти.Ташқи тизим ва иншоотлари" П.8,41 КМК 2.04.02-97 га асосланади. Лойиҳадаги Д-425 мм ли тизимни Фурқат кучасидаги бор булган В-300 билан улаб, айлантириш керак. Доимий сув таъминотини ва босимини тартибга солиш учун лойиҳадаги 7 қаватли қурилишга кутарма насос станцияси қурилиши кузда тутилган. Насос станциялари ва сув қувурлари тизими қурилиши нархи, бошқа тасдиқдан утган лойиҳа-анологларга кура қабул қилинади.

Оқава сув. (канализация) Ушбу микрорайон "Тошкент шакрининг оқава сувларини ривожлантириш" схемаси бўйича, оқавалаштириш. Қуйи Бузсув бассейнида тулиқ бўлмаган

таксимлаш тизимида жойлашган. Микрорайонни оқавалаштириш, ҳозирда бор бўлган асосий магистронт оқава коллекторига улаш билан амалга оширилади. Шайхонтохур - Зарқайнар $d=1000$ мм, Абдула Кодирий бўйлаб $d=600$ мм, Ўзбекистон кучаси бўйлаб $d=600$ мм. Бу коллекторлар уз навбатида $d=1200$ мм бўлган Тахтапул коллекторига уланган, уз навбатида бу сувлар Бузсув аэрация станциясига транспортиция қилинади. Лойиха таклифлари Лойихадаги микрорайонни оқавалаштиришда ички оқава сувларни, оқавалаштирилган объектлардан бор бўлган оқава тизимига улаш кузда тутилган:

$d=300$ мм "Киночилар уйи" ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ дан Ўзбекистон кучасига $d=600$ мм ли коллекторга $d=300$ мм

"Тошуйжойинвестқурилиш" дан, $d=600$ мм Республика укувчилар саройидан $d=200$ мм Гиология музейидан

Фурқат кучасидаги $d=600$ мм ли коллекторга уланиш билан. Ҳозирги $d=300$ мм ли оқава сувлар тизими Навоий кучаси бўйлаб утади. У лойихадаги микрорайон қурилишига тушади ва эксплуатациядан чиқарилади. Унинг урнига Шайхонтохур ва Абдула Кодирий кучасидаги $d=1000$ мм ли коллекторга, $d=200-300-400$ мм янги тизим уланади. Микрорайонни оқавалаштириш учун қуйидаги оқавалаштириш тизими қурилиши керак: Умумий узунлиги $L=9,95$ км шу жумладан, $d=500$ мм $L=6,2$ км, $d=200$ мм, $d=250$ мм, $d=300$ мм $L=0,65$ км, $d=400$ мм $L=1,1$ км.

Иссиқлик таъминоти. Турар-жой районлари учун иситиш биноларининг ички температураси уртача ҳисобда 20 градус Лойиха таклифлари. Олмазор-Уқчи мавзеси туман ТЦ-3 иситиш қозонхонаси зонасида жойлашган қуввати кам. Мавзени иссиқлик билан таъминлаш лойихадаги 104 Гкал/соат қувват билан ишловчи қозонхона ҳисобига бўлади.

Иссиқлик ташиши 150 градус-70 градус параметрда. Иссиқлик тизимини утказиш ер ости йули билан утказиб булмайдган каналларда 2 кувурли вариантда. Иссиқлик тизимини умумизунлиги 4 км. Иссиқ сув таъминоти ёпик схема буйича

истеъмолчиларга киритиш жойида иситкичлар урнатиш билан бажарилади. Табиий газни тежаш мақсадида, иссиқ сув таъминотини қуёш нурини энергияга айлантириш йули билан йулга қуйиш. Газ таъминоти. Ҳозирги ҳолат. Шайхонтохур ва Абдула Кодирий кучалари чегарасида жойлашган мирорайонининг газ таъминоти режавий лойихаси. Мавзе юкори даражали шарт-шароитларга эга куп қаватли бинолардан иборат.

Лойиха тақлифлари. Аҳолининг умумий сони 12 000 киши. Газ сарфи ҳисоби 9 қаватдан куп булмаган уйларда яшовчилар учун қилинган. 10 ва ундан ортик қаватли уйларда электроплиталар урнатиш кузда тутилган. Турар-жой бинолари, савдо комплекслари, офислар, мактаблар, боғчалар, банклар, меҳмонхоналарни иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш микрорайонда жойлашга туман қозонхонасидан булади. Микрорайонга газ узатиш Фурқат кучасидан утган газ қувури орқали булади. Уланиш нуқтаси диаметри 426 мм Турар-жой биноларини газ таъминоти 2 босқичли. А. Урта босимли-3 кг/ см Б. Паст босимли-300мм вод.ст. Урта босимли газни паст босимга тушириш учун шкафли ГРП -2 дона урнатиш кузда тутилган. Урта босимли газ қувурига параллел паст босимли газ қувури лойихалаштирилган, бу қувур микрорайондаги 2 ГРП ни бирлаштиради. Қозонхона биносида ГРП ли урта босим газ қувурини район қозонхонасига улаш ҳисобга олинган. Ер ости тармоқланиш тизими Бош планда курсатилган. Газ қувури утказилиши ер остида булиши кузда тутилган. Газ қувурларини тупроқ коррозиясидан химоя қилиш учун қувурлар юзаси коррозияга чидамли қоплам билан қопланади.

ТРАНСПОРТ

Раҳбар: Исамухамедова Д.У.

Бўлим маслаҳатчиси: Холмирзаев К.М.

Битирувчи: **Турдиева К**

Кўча тармоклари ва транспорт

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани. Янги йўл ва Аҳмад Дониш кўчалари кесишган чораҳанинг бурчак кисмида жойлашган турар жой туманини ландшафтини ташкил этиш. Мавзе чегаралари бойлаб туман аҳамиятидаги магистрал кўчалар мавжуд. Магистрал кўчалар шаҳарнинг шимолий шаркий ва шимолий ғарбда жойлашган йирик рурак жой ва саноат туманларини боғлайди. Микрорайон ичида афтомобил саклаш жойлари талабга жавоб бермаслиги, мактаб ўкувчилар ўтадиган жойларига афтомобил саклаш жойлари кўйилганлигини ҳисобга олиб микрорайонимизда иккита ер- усти ва ер- ости афтомобил саклаш жойлари лойиҳала таклифимизга киритганмиз. Савдо ва маиший ҳизмат кўрсатиш мажмуалари, маъмурий бинолар жойлашгани афтотураргоҳларнинг ёклиги, мавжудлари эса талабга жавоб бермаслиги туфайли енгил афтомобиллар кўчаларининг икки катнов кисми бир чизигини банд қилиб магистралнинг асосий қисмига ҳалақт беради. Шу сабабли “Микрорайон” Лойиҳасида мавзенинг ички ва ташки ҳудудида енгил афтомобиллар учун афтотураргоҳлар ташкил қилинди.

Турар жой биноларига кириш 150-500 м масофада лойиҳаланган. Унда транспорт ҳаракати бир томонлама амалга оширилади, катнов кисмининг кенглиги 4м йўлаклар кенглиги 1.5-2м.

“Микрорайон” ҳудудида шахсий афтомобиллар туриш жойи аҳоли зичлигидан келиб чиккан ҳолда 1000 кишига 2500 афтомобил, улардан 10% эса давлат секторида бўлиши ва мавзе ҳудудидан ташкари бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиниб белгиланган. Шундан келиб чикиб мавзе ҳудудида 1500 та шахсий автомобил туриши мумкин.

Марказда ернинг кимматига ега эканлиги ва бош ҳудудларнинг етишмаслиги туфайли лойиҳа таклифида ҳам ер- усти ва ер- ости афтомобил саклаш жойлари кўзда тутилган.

Жамоат бинолари учун афтотураргоҳлар ШНҚ 2.07.01-03,

Ҳисобий бирлик сифатидан 100 ишчи, 100 ташриф буюрувчи, 100м² савдо майдони ва 100 та ўрин қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси аҳоли сони бўйича МДХ давлатлари орасида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкент шаҳрида аҳоли сони юқори темпларда ўсмоқда, 55 йил ичида аҳоли 4 бараварга, 1945 йилда 556 мингдан 1999 йилда 2144 мингга ўсди.


Ҳозирги вақтга келиб, мамлакатимиз интенсив автомобиллаштириш даврига кирди. Автомобиллаштириш нормаси 10-15 йил ичида 1000 одамга 96 тадан 200-250 тагача етиши мумкин. Бу кўча ҳаракати интенсивлигини 3-4 марта, шаҳарнинг баъзи қисмларида эса 5-10 марта ўсишга олиб келади. Шунинг учун бу йилларда кутилаётган ҳаракат ҳажмини ўз ичига оладиган кўчалар, шу жумладан тўхтовсиз ҳаракат магистралларини қуриш долзарб масалаларга айланмоқда. Автомобиллаштиришнинг юқори даражаси оммавий йўловчи транспорти ролини сира ҳам камайтирмайди. Оммавий йўловчи транспортда ташиш 65-70% дан кам бўлмаслиги лозим.

Кўча ҳаракатланиш интенсивлиги вақт бирлигида кўча кесимидан ўтаётган транспорт воситаларининг миқдоридир. Кутилаётган ҳаракат интенсивлигини билган ҳолда кўчалардаги йўлаклар сонини, бундан келиб чиқиб талаб этилган ҳаракатланиш қисмининг кенглигини аниқлаш мумкин.


Ҳаракатланишни ташкил этиш. Шаҳарларда кўча чорраҳалари бўйлаб ҳаракатланишни ташкил этиш келажакда транспорт оқимларини ўтказишни таъминлаши керак.

Замонавий шаҳарсозликда транспорт тизими макбул ечимини яратиш шаҳарни шакллантиришида асосий рол ойнайди.

Кўндаланг кесим – бу кўчани кўндаланг кесишдан ҳосил бўлади. Кўчанинг эни бўйича чегаралари унинг қизил чизиғи дейилади. Ҳеч қандай бино ва иншоот қизил чизиқ чегарасини босиб ўтмаслиги керак.



Кўчалар габаритлари.



Ер ости муҳандислик тармоқлари кўрсатилган кўчанинг кўндаланг кесими:

1 – алоқа кабеллари; 2 – кучланиш кабеллари; 3 – канализация; 4 – иссиқ сув қувири; 5 – водопровод; 6 – газ қувурлари; 7 – коллектор; 8 – ёритгич кабеллари; 9 – музлаш ҳудуди.

Кўча габарити. Кўчаларнинг эни умумий ҳолда қуйидагича аниқланиши мумкин: йўлақлар сонини ҳаракат қисми кенглигига (3,75)


кўпайтирилади, бунга икки томондаги пиёда йўлларининг эни кўшилади, ажратиш йўлаклари, трамвай йўллари ҳам шунга кўшилади, олинган натижа қизил чизиқлар орасидаги масофа ҳисобланади. Г-50 бўлса, кўча эни 50 м ҳисобланади.

Ажратиш йўлаклари - марказий ҳамда ён томонлама бўлади, эни 2 м дан 8 м гача. Курилишда композицион унсур ҳисобланиб, ҳавони тозалайди, шовқиндан сақлайди.

Бульварлар - кўчанинг бир қисми ҳисобланади. Бульварнинг меморий- тархий ечими унинг шаҳар тархидаги жойига, шаҳарнинг катталигига, у жойлашган кўчага боғлиқ. Бундай майдонларни дам олиш, сайр қилиш ёш пиёдалар ҳаракати, чанг ва шовқиндан сақлаш учун қўлланилади. Интенсив ҳаракатли кўчаларда кўкаламзор майдонларни лойиҳалаш мақсадга мувофиқ. Дам олиш майдони 3 га гача, уларнинг жойлашуви ўлчамлари бажарадиган функциясига қараб қисқа вақт дам олиш учун, меъморий композицион мақсадларда қўлланилади.


Машина тўхташ жойлари - автомобилларни қисқа вақтга (бир неча соат.) сақлашга мўлжалланган. Битта машина учун 25 м/кв майдон керак. Баъзи ҳолларда ҳаракат қилишда тўхташ жойи учун қўшимча йўлак ажратилади.

Оммавий транспорт тўхташ жойлари - уларнинг ўлчамлари йўловчилар миқдорига, маршрутлар сонига қараб аниқланади. Пиёда йўллар ва ҳаракатланиш қисмидан ташқарида жойлаштирилади.



Туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларининг

кўндаланг кесими (бинолар олдида дарахтлар билан).



Турар-жой кўчаларининг кўндаланг кесими.

Туман миқёсидаги магистраллар қурилиш меъёрлари классификациясига кўра турар-жой, саноат туманларини ва объектларни умумшаҳар миқёсидаги магистраллар билан боғлайди. Габарити 35-50 м. Шартли равишдаги категорияга эга.

Турар-жой кўчалари – кичик туман ҳамда турар-жой кварталларини магистрал кўчалар билан транспорт ва пиёдалар алоқалари бўйича боғлайди.

Йўлақлар - кичик туманнинг ички қисмида алоҳида биноларга бориш учун ишлатилади.

Бундан ташқари функционал вазифасига қараб:

Асосий кўчалар - асосий жамоат биноларига, савдо ва томоша муассасаларига боришни таъминлайди. Асосан икки томонида жамоат бинолари қурилади.

Савдо кўчалари - нисбатан қисқа, пиёдалар ҳаракати учун мўлжалланган, транспорт хизмати алоҳида ажратилади.

Қирғоқ бўйлари - сув ҳавзалари бўйлаб ўтган кўчалар; кўкаламзорлаштириш, пиёда йўлларини ва дам олишни ташкил этиш учун.

Боз йўллари –истироҳат боғлари, дам олиш майдонларини магистрал кўчалар билан боғлаш учун хизмат қилади.

Пиёда йўллар – шаҳар кўчаларида асосан пиёдалар юрадиган йўллар

бўлиб, савдо, томоша ва овқатланиш муассасаларига олиб боради. Узоқлиги 1 км гача бўлади, агар ундан ошса, магистрал кўчадаги оммавий йўловчи транспортга чиқиш жойлари ажратилади. Пиёда йўлларини ташкил этишда бошқа масштаб қабул қилишини ҳисобга олиш керак - бинолар деталлари, кичик шакллар, ёриткичлар энг қулай шароитда, пиёдалар учун транспортдан ажратилган биноларга яқин махсус йўллар тизими лойиҳаланади.

Пиёда йўлларининг ўлчамлари пиёдалар оқимининг интенсивлигига қараб аниқланади. Пиёда йўлининг битта йўлаги ҳаракатланиш қобилияти 600-1000 пиёдалар/соат; пиёда йўлаклар эни 0,75 м га қаррали. Қурилиш меъёрларига кўра пиёда йўлларининг эни:

- шаҳар аҳамиятидаги магистрал кўчаларда 7,5-4,5 м;
- туман аҳамиятидаги магистрал кўчаларда 3,0 м;
- маҳаллий кўчаларда 2,25 м.

Баъзи зарур ҳолларда пиёда йўллари эни кенгайтирилиши мумкин. Кенгайтириш кўкаламзор ерлар ҳисобига амалга оширилади. Пиёда йўллар ҳисобига киосклар, дўконлар ва бошқа нарсалар қуришга йўл қўйилмайди. Максимал қиялик 6 %.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1. ШНҚ.2.05.02 -07 «Афтомобилйўллари» Тошкент-2007**
- 2. Черепанов В.А. Транспорт в планировке города. М. Стройиздат 1970г.**

ТАЯНЧ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

Антропоген ландшафт – у ёки бу даражада инсон томонидан ўзгартирилган; унда табиий компонентлар, дастлаб ўсимлик, тупроқ, фауна, сув режими ўзгарган; унга антропоген компонентлар - ҳар хил иншоотлар, маданий ўсимликлар, ўзгарган тупроқ ва бошқалар қўшилган. Антропоген ландшафтнинг кўзга кўринган хусусиятларидан бири – табиий ўз-ўзини бошқариш жараёни ва инсон томонидан бошқарилишнинг мураккаб бирикмасидир.

Гузар – Тошкентнинг (умуман Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларида ҳам) эскидан шаклланган ҳудудларида жамоат ҳаётининг зичлигини таҳлил этиш натижалари маҳаллалар ва даҳалар жамоат марказидан ташқари яна битта жамоат бирлиги – гузар борлигини кўрсатди. Агар маҳалла марказлари бир текисда жойлашиб, 150-200 м хизмат кўрсатиш радиусига эга бўлса, гузарлар учун хизмат кўрсатиш радиуси атамаси ўз аҳамиятини йўқотади. Гузарлар қоида бўйича радиал ва кўндаланг кўчалар кесишмасида; икки ёки учта маҳалла чегарасида, кўчанинг ариқ билан туташган жойида (арик бўйлаб ҳам кўчалар ўтади) жойлашади.

Гузар Ўрта аср шаҳарларида аҳолига жамоат хизмати кўрсатишда муҳим элемент ҳисобланади. Улар маҳалла марказига қараганда анча кенг жамоат маркази функциясини бажаради, функционал йўналганлиги билан ажралиб туради.

Даҳа – шаҳарнинг нисбатан мустақил бирлиги ва шу билан бир қаторда унинг бир қисми. Даҳа атамасининг келиб чиқиши хусусида қуйидагича тахминлар мавжуд: сўғдий тарихга кўра қишлоқ ва қишлоқлар маъносини; бошқа тахминга кўра “даҳа” сўзи ўн квартал маъносига эга.

Бир томондан ҳар бир даҳа шаҳарнинг таркибий қисми бўлиб, умуман шаҳар композициясига бўйсунган ва унинг ҳудудида умумшаҳар аҳамиятидаги жамоат марказлари жойлашган. Бошқа томондан, ҳар бир даҳа ўзининг жамоат марказлари, шаҳарсозлик хусусиятига эга бўлган.

Кичик архитектуравий шакллар – боғ-парк композициясининг сунъий элементлари: беседкалар, ротондалар, перголалар, трельяжлар, аркалар, киоскалар, павильонлар, скамейкалар, урналар, ҳайкаллар ва х.к.

Кўкаламзорлаштириш – ландшафтни қайта тиклаш, қишлоқ жойларида, саноат муассасалари атрофида ҳимоя ўрмон чизиқларини яратиш, кўча ва магистраллар бўйлаб, турар-жой ва кичик туман чегараларида, боғ ва паркларда экинлар экиш бўйича муҳандислик ва агротехник тадбирлар йиғиндиси.

Кўкаламзорлаштириш меъёри – шаҳарнинг битта аҳолисига тўғри келадиган кўкаламзорлаштирилган майдонни ифодаловчи кўрсаткич (м.кв. да).

Ландшафт – ер сатҳи.

Майдон – жамоат мақсадларида фойдаланиладиган кенглик.

Макроиклим – маҳаллий, регион, мамлакат, материк иқлими; дендрологик районлаштиришда ҳисобга олинади.

Маҳалла - кичик шаҳарсозлик бўлинмалари.

Микроиклим - бир жойда чегараланган доирада юз берувчи иқлимий ҳодиса (шаҳар, шаҳарнинг бир қисми); катта бўлмаган ҳудуд ёки ҳудуднинг бир қисми иқлимий шароитлари мажмуаси.

Микрорельеф – парк, боғ ландшафтида мезорельеф деталлари ҳисобланиб, катта бўлмаган 1-1.5 м майдонни эгалловчи рельефнинг майда элементларидир. Масалан, тиргак девор билан безатилган баланд-пастлик, кичик тепалик шаклидаги гул клумбаси рельефи, сойлик рельефи ва х.к.

Ориентация – лойиҳалашнинг алоҳида элементларини дунё томонларига нисбатан жойлаштириш: шимол-жануб (ШЖ), шарқ-ғарб (ШҒ); болалар майдончаларини лойиҳалаш, йўлакларда дарахтларни жойлаштириш, спорт мажмуаларини жойлаштириш ва х.к.ларда катта аҳамиятга эга.

Санитар-ҳимоя қисми - саноат корхонаси, омборлар, коммунал ва транспорт иншоотларини аҳоли яшайдиган қисмдан ажратиб турувчи

кўкаламзор йўлак.

Саноат ҳудуди - саноат корхоналари, уларнинг транспорт ва омбор хўжаликлари, ёрдамчи иншоотлар ва муассасалар билан банд бўлган ҳудуд.

Табиий (ландшафтли) каркас - сув артерияси тизими бу ландшафтнинг базали элементларини боғловчи дарёлар, каналлар, ариқлар, ўсимликларни суғориш ариқлари, кўкаламзорлар ва яшил майдонлар, йўлаклар ҳамда уларнинг атрофидаги ариқлардир. Табиий каркас зонасида табиий муҳитнинг туризм ва соғломлаштирувчи дам олиш каби муҳим хоссалари концентрлашади.

Табиий ландшафт – асосий ландшафт компонентлари – ер юзи, ҳаво, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзаро уйғун ва ўзаро боғлиқ бўлган бирликни ташкил этган ҳудудий мажмуа, фазовий муҳитдир. Табиий ландшафт ривожланишида инсон қўли тегмаган.

Турар-жой кичик тумани - шаҳар аҳоли яшайдиган қисми тархий таркибининг бирламчи элементи бўлиб, бунда аҳоли уй-жой ва кундалик хизмат кўрсатиш муассасаларига пиёда етиш даражаси таъминланади.

Турар-жой тумани - бир нечта кичик турар-жой туманидан иборат шаҳар аҳоли яшайдиган қисми таркибининг асосий элементи.

Шаҳар ландшафти - шаҳар ҳудудидаги табиий (рельеф, ўсимликлар, сув хавзаси) ва антропоген (инженерлик иншоотлари, бинолар, йўллар) омилларнинг ҳосиласи.

Шаҳарни кўкаламзорлаштириш схемаси – бу шаҳар бош режаси асосида ландшафт архитектураси объектлари жойлашишининг принципиал характерини уларнинг бажарадиган вазифасига боғлиқ равишда акс эттирувчи чизмадир.

Шаҳарни ободонлаштириш - шаҳарда соғлом ва қулай қаёт шароити яратишга қаратилган тадбирлар мажмуаси.

Ҳудудни функционал қисмларга бўлиш – лойиҳалаш жараёнида ҳар хил ҳудудларни функционал вазифасига кўра (спорт, болалар, хўжалик ҳудудлари ва х.к.) қисмларга ажратиш.

Қизил чизик – кўча, парк, майдон, магистрал билан қурилмалар ўрасидаги ажратиб турувчи, чегараловчи чизик.

АДАБИЁТЛАР:

7. **Исамухамедова Д.У.** “Шаҳарсозлик асослари” ўқув қўлланма. Т, 2000 й.
8. **Кадырова Т.Ф.** “Архитектура современного Узбекистана”. М. 1987 г.
9. **Каримов И.А.** Узбекистан по пути к великому будущему. Т., «Узбекистан», 1998.
10. “Концепция развития градостроительства Узбекистана в условиях формирования новых социально-экономических отношений”. Т, Издательство ТАСИ. 2008 г.
11. **Нильсен В.А.** “У истоков современного градостроительства Узбекистана”. Ташкент 1988.
12. **Пўлатов Х.** “Шаҳарсозлик тарихи”. Т, 2008 й.
13. **ОЖЕГОВ С.С., УРОЛОВ А.С., РАХИМОВ К.Ж.** “Ландшафт архитектураси ва дизайни”. Уқув қўлланма. СамДМКИ, 2003 й.

ИҚТИСОДИЙ БЎЛИМ

Малакавий битирув иши: доц. Исамухамедова Д.У.

Битирувчи: **Турдиева К**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУС ОБОД ТУМАНИ ЯНГИ ЙЎЛ,
АҲМАД ДОНИШ, АМИР ТЕМУР ВА АҲИЛОБОД КЎЧАЛАРИ
КЕСИШГАН КИСМИДА ЖОЙЛАШГАН КИЧИК ТУРАР ЖОЙНИ
ЛАНДШАФТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХА ТАКЛИФИНИНГ
ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Узбекистон Республикаси мустақилликка эришган даврдан бошлаб Хукуматимиз томонидан архитектура ва шаҳарсозлик соҳасига асосий эътибор берилиб, шаҳарсозлик соҳаси фаолиятида бир қатор Узбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Мақамасининг ушбу соҳа юзасидан қарорлари қабул қилинди.

Узбекистон Республикаси Президентининг

"Узбекистон Республикасида архитектура ва шаҳар қурилишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги фармони қамда ушбу фармон ижроси юзасидан Вазирлар Мақамасининг "Архитектура ва қурилиш соҳасидаги ишларни ташкил этиш ва назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типдаги посёлкаларнинг бош режаларини ишлаб чиқиш ва уларни қуриш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" ги, "Архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари қабул қилинган бўлиб унинг ижросини таъминлаш борасида Давлат ҳокимияти органларига аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқилишини ташкил этиш, бош режага, батафсил режалаштириш ва қурилиш лойиҳаларига риоя қилиниши, ҳудудларда ер ажратилишида қонун талабларига риоя этилиши, объектларни жойлаштиришда бош режа муаллифи билаи келишиш, навбатчи бош режанинг юритилиши ва жойларда "Архитектура ва шаҳарсозлик Кенгаш"ларнинг иш фаолиятлари

тизими яратилди.

Харакатда бўлган "Архитектура тўғрисидаги қонун" ни қайта ишлаб чиқиш зарурати туғилиб, қайта ишлаб чиқилди ва шақарсозлик соҳаси фаолиятини ривожлантиришда 2002 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Шақарсозлик кодекси тасдиқланди ва амалга киритилди. Ўттан 2002-2009 йилларда қурилиш соҳасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Шақарсозлик фаолиятини яида такомиллаштириш йулида Шақарсозлик кодекси асосида бир қатор ҳуқуқий-меъёрий қужжатлар қабул қилиниб Давлат ҳокимияти органлари ва Қўмита олдига бир қанча вазифалар қуйилди Бугунги кунда юқорида қайд этилган, шақарсозлик фаолиятида қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини Республикамизнинг барча ҳудудларида қад кўтарган гўзал биноларда, саноат корхоналарида, таълим муассасаларида, спорт иншоотларида, янги қурилган, қайта реконструкция қилинган кенг ва равон автомобил йўлларида, кўприкларда, темир йўлларида ва бошқа кўплаб иншоатларда кўришимиз мумкин. Булар шаҳар ва қишлоқлар ҳуснига-ҳусн қўшиб аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани Янги йўл, Аҳмад дониш, Амир Темур ва Аҳилобод кўчалари кесишган кисмида жойлашган кичик турар жойни ландшафтини ташкил этиш лойиха таклифни техник иктисодий кўрсаткичлари жойлашиши:

Тошкент шаҳар Юнус обод тумани Янги йўл, Аҳмад дониш, Амир Темур ва Аҳилобод кучалари кесишувида қудудида жойлашган

1. Даҳанинг умумий майдони	36.6	га
2. Аҳоли сони	7100	ки
3. Аҳоли зичлиги	10	ки
		ши/ м
4. Кўп қаватли турар жой биноларининг умумий	410	кв.
5. Кўп қаватли турар бинолари	63	Уй
сони шу жумладан 3 қаватли 4	56	Уй
қаватли 5қаватли 6 қаватли 7	150	Уй
қаватли	540	Уй
	420	Уй
	168	Уй

5. Ижтимоий соҳа объектлари	2	
Шу жумладан	2 750	
Мактаблар	1	
Болалар	4	
боғчаси Спорт	1	
6. Ободонлаштириладиган ва	12.2	
кўкаламзорлаштириладиган ҳудудлар майдони		

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУС ОБОД ТУМАНИ ЯНГИ ЙЎЛ, АҲМАД
ДОНИШ, АМИР ТЕМУР ВА АҲИЛОБОД КЎЧАЛАРИ КЕСИШГАН
КИСМИДА ЖОЙЛАШГАН КИЧИК ТУРАР ЖОЙНИ ЛАНДШАФТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХА ТАКЛИФИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧНИ
АМАЛГА ОШИРИШДА ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ БАҲОСИНИ АНИҚЛАШ**

Лойиканинг дастлабки босқичини (ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ) амалга оширишда қурилиш объектларининг баҳосини жорий нархда реализация этилган ухшаш - лойиқалар маълумотларидан фойдаланган ҳолда аниқланди .

Ухшаш лойиҳаларни танлаганда қажм - режалаштириш ва конструктив талабларидан келиб чиқиб, канитал қуйилмаларни бир қувват булагидан фойдаланилди.

Айрим объектлар буйича бирламчи ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қумитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоқотлар ва нархларни шакллантириш Маркази томонидан ишлаб чиқилган «Ахборот-тақлилий бюллетенидани» дан қабул қилиниди.

Шунингдек объектларнинг айрим маълумотлари, аввал лойиқалаштирилган ухшаш - лойиқалар ва лойиқалар, қурилиш ташкилотлари архивидаги қурилган объектлар ёки буюртманинг маълумот баъзаси курсаткичларидан фойдаланилди. Дастлабки босқичда объектнинг қурилиши баҳосини жорий нархда аниқлаш бюртмачи (инвестор) томонидан мустақил ёки у томондан танлов асосида танлаб олинган лойиҳалаш (инжиниринг, консалтинг) ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Лойиҳалаш (инжиниринг, консалтинг) ташкилотлари томонидан ҳисобланган қурилишнинг баҳоси тавсия тариқасида берилади.

Лойиҳанинг дастлабки босқичини амалга оширишда ушбу тавсия этилган баҳони қабул қилиш буюртмачи ихтиёрида булади.

Тақлил ва солиштириш хулосаларига биноан ишлар тури буйича қурилиш баҳоси қурилиш баҳоси таркиби корректура этилади ва объектни ҳисоб баҳоси жорий нархда аниқланади.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУС ОБОД ТУМАНИ ЯНГИ ЙЎЛ, АҲМАД
ДОНИШ, АМИР ТЕМУР ВА АҲИЛОБОД КЎЧАЛАРИ КЕСИШГАН
КИСМИДА ЖОЙЛАШГАН КИЧИК ТУРАР ЖОЙНИ ЛАНДШАФТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИХА ТАКЛИФИНИНГ БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ
ЖОРИЙ НАРХДА «РЕСУРС УСУЛИ»ДА АНИҚЛАШ**

Тушунтириш ёзуви

Объектнинг бошланғич баҳоси жорий нархда «ресурс усули»да қуйидагича аниқланади:

$$C = (C_m + C_{сп} + C_{эм} + C_n + П_n + C_p) \times K_p,$$

ёки фойдаланишга тайёр булган объект қурилишида:

$$C = (C_0 + C_m + C_{зн} + C_{эм} + C_{п} + П_{п} + C_p) \times K_p,$$

бунда:

C_0 - ускуналар, мебель ва инвентарга кетган харажат;

C_m - қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига кетган харажат;

$C_{сп}$ - асосий иш ҳақи харажатлари, ижтимоий суғурта тўловларини ҳисобга олган ҳолда;

$C_{эм}$ - машина ва механизмларга сарф булган харажатлар;

$C_{,,}$ - ишлаб чиқаришга мансуб бошқа харажатлар;

$П_n$ - пудратчининг бошқа харажатлари;

C_p - қурилиш ва вақтидаги қурилиш объектларини суғурта қилишга сарф булган харажатлар;

K_p - навбатдаги йилга қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилган индексдан келиб чиқадиган таваккалчилик коэффиценти.

Ускуналар, мебель, ва инвентарлар харажати ҳаракатдаги ресурс -смета меъёрлари асосида тузилган спецификациялар асосида ишлаб чиқарувчи (таъминотчи) корхона нарҳини ишлатиб транспорт, тайёрлов омбор харажатлари ёки нархларнинг мониторинг асосида ташкил этилиб қуйидаги формула орқали ифода этилади:

$$C_0 = C_{01} + C_{02} + C_{03} + \dots + C_{0п} \text{ бунда:}$$

C_{01} , C_{02} , C_{03} , $C_{0п}$ ускуналарни айрим турлари, мебеллар ва инвентарларни баҳоси;

$$C_{0п} = N \times Ц_{ср} \text{ бунда;}$$

N - ускуналарнинг айрим турлари, мебеллар ва инвентарларгш миқдори

$Ц_{ср}$ - бир миқдордаги қурилиш материалларини (буюмлар, конструкциялар) транспорт ва тайёрлов - омборлаш харажатининг ўртача нарҳи;

ШНҚ 4.01.16-04. Иқтисодий нормативлар. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нарҳда аниқлаш қоидалари